




ТОШКЕНТ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСII
ГАЗЕТАСИ

ОКШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 81 (9.425) 2000 йил 10 июль, душанба

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАБЛАҲЛАРДАН ОЛИНГАН СУЊТИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш масалалари бўйича Республика ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида кишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилишнинг 2000 йил биринчи ярим йиллик натижалари муҳокама қилинди.

• Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

• Олий Мажлисида Омбудсман ва бошқа демократик институтлар фаолияти тўғрисида ахборот олишни енгиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда муҳофиза қилиш борасидаги давлат сиёсатини ёритиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) ҳузурида тузилган Маслаҳат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдан ташқари Пленумида «Судларни ихтисослаштириш тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

• «Турон» акциядорлик-тижорат бирлаштурув банки акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди. Унда банкнинг ярим йиллик иш фаолиятига яқин ясашиб, қолган ярим йиллик вазифалари белгилаб олинди.

• Орол бўйи диёрида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат, Махмуд Қошғарий номидаги халқаро муқофотлар соҳиби, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Марказий Осиё халқлари Ассамблеяси етакчиларидан бири, давримизнинг улкан қаламкаши Тўлабберген Қайиббергенов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган адабий тадбирлар бошланди.

• Жиззах вилояти ҳокимлигида уюштирилган матбуот конференцияси «Соғлом авлод» Давлат дастурининг қандай бажарилаётганига масалаларига бағишланди.

• Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт биришмаси тизимида Республика қўшиқ байрамнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Германиянинг Тюбинген ва Штутгарт шаҳарларида Урта ер денгизи мамлакатларининг VIII кинофестивали бўлди. Бу йилги кинофестивалда биринчи марта Марказий Осиё республикалари кино ишхўрлари ҳам ўз асарлари билан қатнашди. Кинофестивалда номийиш этилган Юсуф Розиковнинг «Воз» фильми Германиялик томошабиларда катта қизиқиш уйғотди.

• Нобель муқофоти совриндори бўлган америкалик 50 нафар таниқли олим мамлакат Президенти Билл Клинтонга очик хат йўллаб, ракетадан мудофаа тизимини такомиллаштириш режасидан воз кечишга чакирди.

• Деҳлида Россия билан Хиндистон ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига бағишланган музокара-ларнинг сўнгги давраси бошланди. Хабарларга қараганда, томонлар бу борада шартнома имзолашга ҳозирлик кўрмоқда.

• Германия парламентининг куйи палатаси фашистлар ҳукмронлиги даврида мажбурий меҳнатга тортилганларга тавон сифатида беш миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратиш тўғрисидаги қарорни маъқуллади. Шу ҳафта ушбу қарорни юқори палата ҳам қўриб чиқиши керак.

• Бутан қироллиги миллий ассамблеяси (парламенти) мамлакат тарихида илк бор террорчи гуруҳларга қарши курашда армия кучидан фойдаланиш ҳақида резолюция қабул қилди.

• Япония парламентининг иккала палатаси ўтказган алоҳида ялли мажлисларида Иосиро Мори мамлакат бош вазири этиб сайланди.

• Шўро даврининг афсонавий жосуси Рихард Зорге-нинг беваси, 89 ёшли Ханакко Исми Токиода зотилжам касаллигидан вафот этди.

• Покистон ва Ироқ ҳукуматлари ўртасида нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда янги қонларни ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим қабул қилинди.

• Бухарестда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) Парламент ассамблеясининг тўққизинчи сессияси бошланди. Унда 54 мамлакатдан 200 дан зиёд вакил иштирок этмоқда. Сессияда Чеченистон, Косово, Молдова ва Жанубий-Шарқий Европада юзга келган вазиятлар муҳокама қилинади.

• Сўнгги кунларда Болкон ярим оролида ҳаво ҳарорати 40-45 даража атрофида сақланиб турибди. Синоптикларнинг билдиришича, яқин кунлар ичида бу кўрсаткич 50 даражагача етиши мумкин.

• Ўзбек кураши бўйича II Жаҳон чемпионати бошланишига уч кун қолди. Халқаро кураш Ассоциацияси маълумотларига кўра, сўлим ва гузал Анталида бўлиб ўтадиган бу чемпионатда жаҳоннинг юзга яқин мамлакатларидан пол-вонлар иштирок этиш истагини билдиришган.

ЮКСАҚЛИШ
ЙИЛЛАРИ

«Тошкент окшом»
Ўзбекистон Мустақил-
лигининг 9 йиллигига
бағишланган сўроно-
масига пойтахтимиз-
нинг М. Улугбек тум-
нидаги 121-мактаб ди-
ректори, Халқ депутат-
лари Тошкент шаҳар
кенгаши депутати Ну-
риса ТОЖИХОНОВА
жавоб беради:

1. Мустақил Ўзбеки-
стонимизда истиқлол йил-
лари рўй берган ўзгариш-
ларнинг энг муҳимлари
сиёсий нимада нимада на-
моийиш бўлмоқда?

— Халқимиз ақлида ўз
истиқлолининг 9 йиллиги-
ни нишонлади. 9 йил —
бу тарих соломасида жуда
қиска даврни ташкил этса-
да, бизнинг мамлакатимиз,
халқимиз ҳаётида жуда кат-
та ўзгаришлар рўй берди.
Мустақиллик осонликча
қўлга киритилгани йўқ.

Мустақилликка эриш-
гандан бери ўтган қисқа-
гина давр ичида яққол
қўлга ташланган ўзга-
ришлардан энг муҳими,
халқимиз ҳаётида жуда кат-
та ўзгаришлар рўй берди.
Мустақиллик осонликча
қўлга киритилгани йўқ.

Мустақилликка эриш-
гандан бери ўтган қисқа-
гина давр ичида яққол
қўлга ташланган ўзга-
ришлардан энг муҳими,
халқимиз ҳаётида жуда кат-
та ўзгаришлар рўй берди.
Мустақиллик осонликча
қўлга киритилгани йўқ.

Мустақилликка эриш-
гандан бери ўтган қисқа-
гина давр ичида яққол
қўлга ташланган ўзга-
ришлардан энг муҳими,
халқимиз ҳаётида жуда кат-
та ўзгаришлар рўй берди.
Мустақиллик осонликча
қўлга киритилгани йўқ.

билан ўзаро муносабатлар
инобатта олинди. Демак, она
заминимизда тинчликни ба-
рқарор сақлаш биринчи да-
ражали вазифалардан бири
бўлиб қолди.

2. Истиқлолнинг даст-
лабки йиллари, қолаверса
ўтиш даврининг ўзига хос
мураккабликлари айни пай-
тда янги ҳаёт, озоод жамия-
т қуришнинг завоқ-завоқ
бор. Шу ҳақида нимада дея
оласиз?

— Халқимиз 70 йилдан
кўпроқ тоталитар тизим бо-
сими остида, бокимандалик
кайфияти билан яшагани са-
баб ишчи-хизматчилардан
тортиб то юқори мансабли
амалдорларгача, кўпчиликда

даги 9 йиллик мактабдан
сўнгги ўзилишлар 1997 йил-
даги Ўзбекистон Олий Мах-
лисининг I-чақириқ VII сес-
сиясидаги «Таълим тўғриси-
да»ги қонун ва «Қадрлар тай-
ёрлаш тўғрисида»ги миллий
дастурнинг қабул қилиниши
ва амалиётга қўйрилиши
билан барҳам топди.

Бундан 10 йил илгари
Ўзбекистонга ташриф буюр-
ган ҳар қандай чет эллик
одам бугун бутунлай
бошқача фикр билан кета-
ди. Пойтахтимизда бўлган
ҳар бир меҳмон бугунги
Тошкентнинг ҳар бир гўша-
сига маҳлиё бўлиши, ҳавас
билан боқиши, шубҳасиз.

Таълим тизимидаги исло-

ИСТИҚЛОЛИМ
— ФАХРИМ,
ШАРАФИМ!

тобелик ва итоаткор бажар-
увчилик ҳолати сингиб қол-
ган эди. Ўша шароитда «су-
яги қотган ижрочилар» би-
лан бирга ва ёнма-ён туриб
яшаш, ишлаш осон иш
эмас, албатта. Кишилари
янгила қайта, ишлашга
ўргатиш учун жонқуяр ва
фидойи инсонлар зарур эди.
Биз мана шундай ҳислатлар-
га эга бўлган инсонларнинг
эл орасида кўплаб етишиб
чиқаётганининг гувоҳи
бўлиб турибмиз.

Мустақиллигимизнинг
ўтган даври бизни тарихи-
мизга, ҳозирги кунимизга ва
келажакимизга теран қараш,
ўтмишимиздан сабоқ олиш
ва келажакни кўра олиш
бизларга ўзгиримизни ан-
лашга, дунё мисқисда ўз
ўрнимизни топа олишга, ке-
рак бўлганда ўз ҳимоямиз
учун тура олишимизга им-
кон берди. Таълим тизими-

хотлар ҳам ўз самарасини
бермоқда. Пойтахтимизда
фойдаланишга топширила-
ётган замонавий жиҳозлан-
ган касб-хўнара коллежлари
ва академик лицейларда рес-
публикамизнинг довуруғини
жаҳонга таратадиган ўли-
қизларимиз таълим олмоқ-
далар, десам янглишмаган
буламан.

3. Мустақиллигимизнинг
тўққиз йиллиги айёмида
жамоанамиз тармоқ ҳодим-
лари, шахсан ўзини қандай
натижалар билан бора-
ясилаар? Келгуси режаларин-
гиз.

— Мен раҳбарлик қила-
ётган мактаб ҳам 1997 йил-
да Ички ишлар вазирлиги
Академияси қошидаги
хуқуқий йўналишда синф-
лари бўлган мактабга ай-
лантирилди. Бу ерда меҳ-
нат қилаётган барча педа-
гогларимиз ўз билим ва ма-

«Ўзтемирўлмаш-
тамир» ишлаб чиқа-
риш биришмаси ишчи
ва хизматчилари Ўзбе-
кистон Республикаси
Мустақиллигининг 9
йиллик байрамига му-
носиб ҳозирлик қўриш-
моқда. Қорхона цехла-
рида ва барча ишлаб
чиқаришларда бу сана
шарафига иш жарёни
тобора қизиб бормоқ-
да. Сиз суратда қор-
хонанинг йилува учас-
таси Талат Ман-
суров, йилува цехи бо-
шлиғи Қодир Холқов
ҳамда чилангар таъ-
мирловчи Шўхрат
Шерқўзиёвларни кўриб
турибсиз.

Тоҳир Ниматуллин
олган сурат.

Саноат

СИФАТЛИ ВА
РАНГ-БАРАНГ

«Айлин гила санайи компани» шўъба қорхонасида
тайёрланаётган ширин-шакар қандолат махсулотла-
рининг тури кўпайиб, сифати ҳам ортиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритаётган
қорхона жамоаси ўзининг рақобатбардош махсулотлари би-
лан нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам ўз ха-
ридорларига эгадир. Қорхонанинг замонавий хориж даст-
гоҳлари билан жиҳозланган цехларида ишлаб чиқарилаёт-
ган 40 турдаги мазази печенье ва шоколадлар ҳамда ширин-
шоколадларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Қорхонада 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат
қилишади. Уларнинг даромадлари ҳам баракали меҳнатга
яраша бўлмоқда. Яқинда ушбу қорхонага Голландиядан
янги замонавий дастгоҳ келтириб ўрнатилди ва шоколад
ишлаб чиқариш цехи ҳам фаолият кўрсата бошлади. «Ай-
лин» фирмаси белгиси таърифланган «Пикник», «Суперпик-
ник», «Жунгли», «Адора» сингари печенье-лар қаторига яна
4 турдаги шоколад махсулотлари қўшилди. Янги иш ўрин-
лари яратилиши билан бирга дастурхонимизга файз бўла-
диган, болақонларимиз баҳри дилини очадиган «Dainty» ва
«Daer» сингари сутли, мағизли ва қовурилган ерғоқли
шоколадларнинг савдо шохбачаларига чиқарилиши хари-
дорларни мамнун этмоқда.

Шунингдек, шўъба қорхонанинг Қозоғистон, Қирғизис-
тон давлатларида филиаллари ҳам фаолият кўрсатмоқда.
Энг муҳими эса махсулотнинг сифати ва ранг-баранглиги,
импорт ўрнини боса олиши, харидор дидига мослиғидир.

Дилноза ФИЁСОВА.

Шаҳар назорат инспекциясида

ИСЛОҲОТЛАР
ҚАНДАЙ
КЕТМОҚДА?

Пойтахтимиздаги 17-шаҳар шифохонасида
Тошкент шаҳар ҳокимлиги назорат инспекция-
сининг навбатдаги кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.
Унда шаҳримиз туманлари ҳудудий табиёт бир-
лашмалари, пойтахтимиздаги шифохона ва по-
ликлиника ҳамда санитария эпидемиология
станцияларининг бош шифокорлари, кенгаши
аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
10.11.98 йилдаги 2107-сонли
«Ўзбекистон Республикаси
Солиқларини сақлаш тиз-
имини ислоҳ қилиш Давлат
дастури тўғрисида»ги Фар-
мони ва унга мувофиқ қабул
қилинган Ҳукумат қарорлари
Тошкент шаҳар Солиқ-
ни сақлаш бош бошқарма-
си ва давлолаш муассасала-
рида бажарилишини ўрга-
ниш тўғрисидаги масала
қўриб чиқилди.

Текширувларда Президенти-
нинг қарорларидаги фар-
монини ижросини таъминлаш
юзасидан шаҳар ва туман
ҳокимликлари, солиқни сақ-
лаш бош бошқармаси ва
давлолаш муассасалари томо-
нидан бир қатор ишлар
ишлар амалга оширилган.
Тошкент шаҳрида 44 та
касалхона ва 115 та амбула-
тор поликлиникалар бепул
тиббий ёрдам кўрсатмоқда
ва бюджетдан молиялашти-
рилмоқда. Дастурга асосан
ўтган йилда 14 та шифохона
6 фойз, 2000 йилдан 10 та
шифохона 15 фойз, 1 та ши-
фохона 10 фойз, 1 та ши-
фохона 30 фойз, 3 та туғруқхо-
на 6 фойз пулли тиббий хиз-
мат кўрсатишга ўтказилди.
Шаҳар ҳудудининг аҳоли зич
жойларида 4 та врачлик пун-
ктлари барпо этилган.

Юқоридагилар билан бир
қаторда мазкур Фармон та-
лаблари бажарилишида ай-
рим ҳудудий-тиббий бирлаш-

малар ва давлолаш муассас-
салари томонидан бир
қатор хато ва камчилик-
ларга йўл қўйилгани ҳам
аниқланди.

Шаҳар Солиқни сақлаш
бош бошқармаси томони-
дан ишлаб чиқилган режа-
га кўра кам қувватли ва
кам фойдаланилаётган ши-
фохоналарни қулдузи ши-
фохоналарга айлантириш, у
ерда давлолаётганлар со-
нини жорий йилда 55 фо-
изга етказиш мўлжаллан-
ган бўлсада, ҳақиқатда
режа 41,2 фойзга бажарил-
ганлиги, бошқарма томо-
нидан давлат дастури ама-
лиёти учун халқаро ташки-
лотлар маблағини, чет эл
инвесторларини жалб этиш
борасида амалий ишлар
етарли даражада олиб бо-
рилмагани, шунингдек тиб-
биёт билим юртларини
касб-хўнара коллежларига
айлантириш дастури бажа-
рилмаганлиги алоҳида таъ-
килданди.

Шаҳар ҳудудидаги ай-
рим давлолаш муассасалари
томонидан дори-дармон,
озик-овқат махсулотларини
сақлаш ва саф қилиш
ҳамда аҳолига тиббий хиз-
мат кўрсатиш борасида йўл
қўйилган камчиликлар
кўрсатилди.

Йиғилишда ушбу хато ва
камчиликларни бартараф
этиш юзасидан тегишли
қарор қабул қилинди.

Шарифа ИЛЁСОВА.



СУРАТДА: 733-қурилиш бошқармаси илгор гишт те-
рувчиси Зокиржон Ҳотамов иш устида.
Солиқ Зор олган сурат.

«ТРАКТОРСОЗ» — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Тошкент трактор заво-
ди Давлат ҳиссадорлик
жамиятига қувончли ха-
бар келди. Тошкент ша-
ҳар қасаба уюшмаси Кен-
гаши томонидан ўтказил-
ган танловда «Трактор-
соз» — «Тракторстрои-
тель» газетаси I-ўрин со-
ҳиб бўлди.

Танлов талаби турли
мавзуда ва режалар бўлиб,
1999 йилда бўлиб ўтган
қасаба уюшмасининг йи-
гилишлари ва конферен-
цияларининг ҳар томонла-
ма ёритиш, қасаба уюш-
маси ишининг кўп қир-
ралиги, маънавият ва

маърифат ишларини янада
жонлантириш иқтисодий
ва ижтимоий ҳамда ҳуқуқий
маълумотларини кенг тар-
тибда тарғиб қилиб, ёри-
тишдан иборат эди.

Газетада еритилган ма-
взуларда тинчлик ва халқ-
лар ўртасидаги дўстликни
мустаҳкамлаш, ватанга
бўлган муҳаббатни қамол
топтириш каби масалалар-
га кенг эътибор бериш ло-
зим эди. Энг асосийси, қа-
саба уюшмаси аъзолари-
нинг фаоллигига, жамоа
шартномасининг бажари-
лиши, техника хавфсизли-
ги, ёшлар ҳаёти, шунинг-

дек Аёллар йилига бағиш-
ланган туркум мақолалар-
га диққат қаратилди.

Қасаба уюшмасининг
қўзғаткич фаоллари,
таниқли журналистлар ва
жамоатчилик вакиллари-
дан иборат бўлган талабчан
ҳайъат аъзолари Тошкент
шаҳар ишлаб чиқариш қор-
хоналари ва ўқув муассаса-
ларининг танловда қатнаш-
ган ўн олтига газетаси ичи-
да «Тракторсоз» — «Тракто-
ростроитель» газетасини энг
яқини деб топдилар. Газе-
та бундай муваффақиятга
фаолият кўрсатаётганлиги-
нинг 36 йилда эришиди. Шу

йиллар мобайнида газе-
танинг 2574 та сони босмадан
чиқди. Унинг тарқибиди 4 та
Ўзбекистон Республикаси
журналистлар уюшмаси
аъзолари борлиги ҳар қанча
фахрланса арзийдиган ҳол-
дир.

Газетанинг бундай муваф-
фақиятга эришишида Рес-
публикамизнинг турли мат-
буот органларида 40 йилдан
ортиқ баракали меҳнат
қилиб келаётган таниқли
журналист, газетанинг бош
муҳаррири Игорь Алмиев-
нинг меҳнатлари қўзғаткич
ташланб турибди. Таҳририят-
нинг энг яқин қалам со-

ҳибаси, маъсул котиба Люд-
мила Бондаренконинг иш-
лари ҳам таҳсинга лойиқ. Кат-
та мухбир Мухайе Сулейма-
нова, корректорлар Татьяна
Коронезова ва Сурайё Расу-
ловалар ҳаминша ўз ишлари-
га виждонан ёндашмоқда-
лар. Газетанинг дунёга кели-
шига завод босмахонасининг
ҳодимлари, яъни босмахона
бошлиғи Топшўлат Эшму-
ровлов, участка бошлиғи
Людмила Лукьяненко, раф-
терувчи Гульсина Хайретди-
нова, саҳифаловчи Люция
Бағишбаева ва Ирина Раки-
товалар ҳамда босмадан чи-
қарувчи Любовь Егоровалар
энг яқин ёрдамчи бўлмоқ-
далар. Газета муассиси — за-
вод маъмуриятининг ҳам-
иша маънавий қўмақдош

бўлганлигини алоҳида таъ-
кидлаб ўтиш жоиздир.
Танловда 2-ўрин кўп
нуухали «Авиасоз», 3-
ўрин «Файз-холдинг»
компаниясининг «Файз»
газеталарига насиб этди.
Шунингдек, «Тошша-
ҳарйўловчи»нинг «Мотор»,
«Трактор», «Трактор-
строитель» газеталари ҳам
алоҳида таъкидлаб ўтил-
ди.

Хусан БАРОТОВ,
«Тракторсоз» — «Тракто-
ростроитель» газетаси бош
муҳаррири ўринбосари.

Фармон ва ижро

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хорижий сармояларни мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларига жалб қилиш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан биридир. Бу ҳол, айниқса, бозор иқтисодиётининг ўтиш даврида яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, Халқаро ҳамжамият ташкилотларининг кузатишлари ва таҳлилларидан шу нарсга маълумки, халқаро иқтисодий интеграция ривожланиш даражаси қандай бўлишидан ва қай йўсинда ривожланиш жараёнидан қатъий назар, чет эл сармояси киритилган мамлакатлар иқтисодиётида салмоқли ютуқларга эришиш ва ривожланиш суръатларининг тобора ўсишидан далолат бермоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг қатор Фармонлари ва ҳукумат қарорларида бу борадаги қилинишни шарт бўлган масалалар ечимига ойдинлаштириш берилган, ушбу ҳужжатлар барчамиз учун дастуруламал бўлмоғи даркор. Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустақилликни таъминлаш; иқтисодий, ҳуқуқий талбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш; учинчидан, ҳуқуқий мулкчиликка тенг имкониятлар очиб бериш, аҳоли турли қатламлари фаолиятида мулкка эгаллик ҳиссини ошириш; тўртинчидан, молия ва банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш; бешинчидан, аниқ мақсадни қўзлаган ҳолда, ишлаб чиқаришда замонавий, илғор технологияларни жорий қилиш, бозор талаблари ва шароитларини ўрганиб (маркетинг), аҳоли эҳтиёжи учун зарур, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш; олтинчидан, табиий хом ашё ресурсларининг самарали ва мақсадга мувофиқ унумли фойдаланишни йўлга қўйиш; еттинчидан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, иқтисодиётни барча жабҳаларини янги, ёш, илғор фикрловчи зукко миллий кадрлар билан таъминлаш, улар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириб, Ватанинг жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрнини муносиб мустақамлаб бориш. Ҳўш, ана шу устувор вазифаларнинг бажарилиши Бектемир туманида қандай кечаяпти?

Ҳозирги кунга келиб, туманда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган 40 та қўшма корхоналар рўйхатга олингани ҳолда, уларнинг фақат 24 тасигина фаолият юргизиб келмоқда, улар орасида «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston LTD», «МКРДС» (Дам олиш ва спортни ривожлантириш Халқаро корпорацияси), «Ўзкей-маш» Ўзбек—Америка, «Ўзталмотор» Ўзбек—Италия қўшма корхоналарининг туман иқтисодиётида тугган ўрни беқиссиз. 3 та корхона, улар — Жанубий Корея, Германия ва Япония билан тузилиб, ҳозирда ташкилий даврни ўтамоқда. Фаолият турлари билан таҳлил қилинганда, 28 таси ишлаб чиқариш, 8 та савдо ва воситачилик, 3 таси хизмат кўрсатиш, 1 та корхона эса қурилиш соҳаси билан шуғулланиб келмоқда. Текширувлардан шу нарсга маълум бўлдики, танлов асосида ўрганилган 10 та қўшма корхоналар фаолияти асосан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлгани ҳолда, ҳозиргача уларнинг биронтаси ҳам четга маҳсулот чиқармаган, экспортга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси, аниқ дастурлар ишлаб чиқиш эътибордан четда қолдирилган, контракт-шартномалар тузилиши йўлга қўйилмаган, тузилганлари ҳам сўзташлик оқибатида амал қилмапти. Фармон ва қарорларнинг баъзи бандлари кўп ҳолларда бажарилмасдан қолаётганлиги, тегишли корхоналар маъсул раҳбарларининг маъсулиятсизликлари, лоқайдлик, сансаторчиликка берилиб, ҳалигача эскича услубда ишлашдан воз кечмаётганликларидан далолат бермоқда.

Масалан, 1994 йилдан 30 млн. сўм Низом жамғармаси бўйича Ҳиндистон томон билан тузишга келишилган «Дану» қўшма корхонасининг электр, кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятига асосланган Низом ханузгача шакллантирилмаган. Демак,

олти йил давомида фақат ҳисобот ва қозғалардагина «қўшма корхона» номи бор, аслида эса, қўшма корхона ҳужжуринга тузилган ҳолос. Ушбу ҳусудда, туман ҳокимлиги тегишли мажмуаси, туман ДСИ ва назорат инспекцияси билан биргаликда аниқ мақсадларни қўлаб, зарур амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиққан, ушбу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, ҳар ойда аппарат йиғилишларида муҳокамага киритилган, керакли тавсия ва ахборот-маслаҳатларини бериб бориш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга келиб, ушбу қўшма корхона маъсулияти чекланган жамият шаклига ўтишга ҳозирлик кўрмоқда.

Россия билан тузишга келишилган «Евроосиё-Сервис» шўъба корхонаси ҳар хил турдаги юкларни боғжона кўригидан ўтказиш, омборхоналарида сақлаш хизматларини кўрсатишга асосланган фаолияти 29.12.98 йилдан бошланиб, ҳозирги кунга келиб тўхтаган. Ижро интизоми издан чиққан. Буюртмалар сони кескин камайиб, корхонанинг молиявий аҳоли қийинлашганлиги маълум бўлди. «Низом» жамғармаси 150 минг АКШ доллар миқдоридан белгиланган бўлсада, мана бир йил илдириш, ушбу маблаг шаклланимаган, ишчи-хизматчиларга мададнинг маънавий шариоитлари яратилмаганлиги оқибатида, 22 нафардан ҳозирга келиб, фақат 9 та ишчи-хизматчи ишлаётганлиги, қолганлари тарқатилиб юборилганлиги кузатилди. Лекин ҳозирги кунда, ушбу корхонага янги раҳбарнинг тайинланиши, вазиятни ижобий томонга кескин ўзгаришига олиб келди. Жумладан, мазкур шўъба корхона фаолияти, тубдан қайта кўриб чиқилиб, шароитлар янгитдан қўшма корхона тузишга шайлаб қўйилди. Хорижий ҳамкорлар билан тузилиши келишиб олинган янги қўшма корхонанинг таркибий, ҳуқуқий ва ташкилий масалалардаги ҳужжатлари расмийлаштириш арасида.

Шунингдек, 1996 йилда Англия билан ташкил этилган «Янтэк-Брит» қўшма корхонасида ҳам худди ана шундай бир қатор муаммолар мавжудлигининг гувоҳи бўлди.

Бироқ, корхонага янги раҳбарнинг келиши, кадрларни жой-жойига қўйишга ва хом ашёнинг ўзимизда ишлаб чиқариладиган турларидан фойдаланишга ўтишга ёрдам берди. Бу эса ҳар томонлама фойдали ва манфаатлидир, биринчидан, импорт асосида сарфланадиган маблағларнинг тежаллишига имкон берса, иккинчидан, ўзимизнинг, маҳаллий табиий ресурсларимиз асосида, арзон ва сифатли хом ашёларни ишлатишни йўлга қўйиб, қўшимча харажатларни тежаллишига олиб келади.

Юқорида ўрганилган қўшма корхоналар фаолияти билан боғлиқ камчиликлар ҳусусида туман ҳокимияти назорат инспекцияси ҳокимлик тегишли мажмуалари билан биргаликда семинар ва йиғилишлар ўтказиб, ечимини кутаётган масалалар ҳусусида ўз муносабатини билдириб, тегишли тавсия, фикр-мулоҳазаларини баён этиб бормоқда. Зарур ҳолларда эса юқори ташкилотдан сўровномалар, амалий маслаҳатлар олиб туради. Ҳар бир ўрганилган масала юзасидан назорат инспекциясининг тегишли қарори қабул қилиниши йўлга қўйилган. Бу эса ўз навбатида туманда олиб берилаётган макроеқтисодий сиёсатининг тўлақонли амалга оширилишига ўз таъсирини ўтказди деб, умид қилиб қоламиз.

Мансур ТОЛИБОВ,
Бектемир туман ҳокими ўринбосари,
назорат инспекциясининг раҳбари.



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Тошкент китоб-журнал фабрикасида асосан мактаб ўқувчилари учун дарсликлар билан бир қаторда турли таклифномалар ва бланкалар, бадиий китоблар ва бошқа матбаа маҳсулотлари сифатли қилиб ишлаб чиқаришмоқда. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Қурилиш

ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Зулфия опа бригадани янги ишга келган ҳамкасбини ишини кузатар экан, унинг анча ўқув борлигини сезиб қувонди. «Ха, баракалла, — деди у шогирдини рағбатлантириб, — ана шундай ишласанг, бу уйда яшовчилар қувончига шерик бўласан».

Зулфия Шомуротова 20 йилдан буюн қурувчилик касбини эъзозлаб келаётган қўли тул аёллардан саналади. Шу боис ҳам бу аёлни «Ўзуйжойқурилиш» ҳиссдорлик жамиятида барча танийди ва ҳурмат қилади. Ана шу йиллар давомида Зулфия опа пойтахтимиздаги муҳташам иморатлар, осмонўпар бинолар қурилишида ўзига хос ғайрат кўрсатди. Айниқса, мустақиллик йилларида шаҳримизда бунёд этилиб, юзлаб хонадон соҳибларини ўз бағрига олаётган қўлай, шинам, замонавий турар жой биноларининг қад ростлашда, уларнинг чиройли безилишида эркақлар билан басма-бас меҳнат қилаётган қўли тул аёлнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

Уч йилдан буюн Зулфия опа пардозловчилар бригадаси аъзолари билан ҳамжамиятда иш юритиб, иш сифати ва суръати алоҳида аҳамият қаратади. Шу боис бўлса керак, хонадонлар пардози дидга яраша бўлади, унда яшовчи оила аъзоларининг эса кўнгли тўлади.

— Қасбим билан ҳар қан-

ча фахрлансам арзийди, — дейди у мамнун кайфиятда. — Чунки одамларга, уларнинг фаровон яшашларига ўз ҳиссамни қўшяпман. Меҳнат фаолиятим даврида ҳар доим шу нарсани ёдда тутаман. Мана Президентимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилдилар. Менимча соғлом авлоднинг камол топиши учун соғлом муҳит, шинам ва қўлай хонадон ҳам ниҳоятда зарур. Ана шундай уйлари бунёд этишда ҳиссамни қўшаётганимдан, бахтли оилалар қувончига шерик бўлаётганимдан бениҳоя хурсандман.

Зулфия Шомуротова ўз бригадаси аъзолари билан Госпиталь даҳасидаги бунёд этилган уйлари пардозлашда фаол иштирок этдилар. Айни кунларда эса бу бригада пардозловчилари пойтахтимизнинг «Белтепа» даҳасидаги уй-жойларни бунёд этишда ўз улушларини қўшишмоқда. Зулфия опанинг меҳнатига эса одамларга қалб муҳаббат, қасбга салоқати ҳамиша мужассам бўлмоқда.

Дилноза ГИЁСОВА.



Шаҳримиздаги 53-қурилиш бошқармасида Шухрат Тўхтабоев ҳамда Акмал Қўқоровларни уста пардозловчилар сифатида барча ҳурмат қилади. Чунки улар ҳамиша илгорлар сафиди.

Қасблар орасида шифокорликнинг аҳамияти ва ўрни бўлакча. Чунки Гиппократ қасамини ичган қалби ҳалатидек оқ «меҳридаре» шифокорлар доим ўзгалар оғирини енгил қилиш, беморлар дардига малҳам бўлиш ҳаёли билан яшайди. Кези келганда шунини айтиш лозимки, бошқа бирор қасб эгаси ўз ишида хато қилиши, янглишиши мумкин, аммо шифокорнинг хато қилишга ҳаққи йўқ. Чунки унга инсон дардини енгиллаштиришдек, таъбир жоиз бўлса аҳволи оғирлашганлар ҳаётини сақлаб қолишдек маъсулиятли ҳамда шарафли вазифа юклатилган. Истиқлол шарофати тўғрисида мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя ва инсон омилига катта эътибор берилмоқда. Ҳусусан кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳамда пойтахтимиз Тошкентда замонавий услубда бунёд этилган, жаҳон андозаларига жавоб берадиган шифохоналар сони кўпайиб бормоқдаки, бу барчамизни қувонтиради. Ундан ташқари тиббиётни ислоҳ қилишга қаратилган ҳукумат қарорлари асосида малакали тиббиёт ходимлари сонини кескин ошириш ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Зеро бунини тахририятимизга келаятган мактублар ҳам исботлаб турибди.

Чунончи, Шайхонтохур туманининг Илгор маҳалласида истиқомат қилувчи Йўлдошевлар оиласидан келган мактубда шундай дейлади: «Ҳурматли тахририят ходимлари. Газетангиз саҳифаларида берилаётган инсонларни эъзуликка ундовчи, яхшиликка чорловчи мақолалар бизга жуда ёқади. Ҳа, доимо сиз журналистлар ҳар сўзингизда таъкидлаганингиздек, оламда яхшилар кўп. Шу боис ҳам «Тошкент оқшоми» орқали биз меҳрибон ва мушфиқ онажонимизнинг дардига дармон бўлган

ва ўт йўллари ҳасталиклари жарроҳлиги бўлимида 40 нафар бемор бир вақтнинг ўзига даволаниши мумкинлигини айтмоқчиман. Беморхоналаримиз асосан 3-5 кишилик бўлиб, 1-2 кишига ҳизмат кўрсатадиган хоналар ҳам мавжуд.

— Миршавкат ака, айтингчи, бўлимига мурожаат қилган бемор фақат жарроҳлик йўли билан даволанадими ёки...

— Деярли қўпчилик беморлар жарроҳлик йўли билан муолажа қилинади.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Сабаб жигар ва ўт йўллари ҳасталиклари жарроҳлиги бўлими бошлиғи Миршавкат Акбаров, шифокорлар Шухрат Худойберганов, Александр Карпов ҳамда барча ҳамшираларга ташаккур билдирамиз. Бу инсонларга маъсулиятли вазифаларини доимо шараф билан адо этишларида муваффақиятлар ёр бўлишини, ўзлари соғ-саломат юришларини Оллоҳдан тилаб қоламиз».

Миннатдорликка йўрилган ушбу мактуб билан танишган шифо маскандаги иш жараёни қандай кечаётганлигини билиш мақсадида Жигар ва ўт йўллари ҳасталиклари жарроҳлиги бўлими бошлиғи Миршавкат Акбаровга мурожаат қилдик.

— Аввало, шунини айтишим жоизки, — дея ўз сўзини бошлади суҳбатдошимиз, — тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳабибулла Оқиллов раҳбарлигида фаолият олиб бораётган академик Воҳидов номидаги хирургия илмий марказида беморларга ёрдам кўрсатадиган 9 та клиник бўлим ташкил этилган. Очигини айтганда бизга асосан жарроҳлик йўли билан даволанадиган беморлар мурожаат қилишади. Биласизки, жарроҳлик қилиш учун шифокор ниҳоятда чуқур тиббий билимга, муайян тажрибага эга бўлиши даркор. Шу боис ҳам марказимизда меҳнат қилаётган шифокорлар ўз касбининг устаси бўлиш билан бирга беморларга ўта меҳрибон ҳамдир. Ахир халқимизда «Меҳр кўрсат — меҳр кўргайсан», деган доно нақлга биз шифокорлар амал қилмасак, ишимизда самара бўлиши қийин-да. Дарвоқе, марказимиз энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Энди ўзим етакчилик қилаётган Жигар

озон ости беги касалликларининг ҳам 10 дан ортиқ хили бор. Кейин бизга мурожаат этаётган инсонларнинг аксарияти ҳасталиги эърайиб, ҳолдан тойган ҳоллардагина марказга келишади.

— Шу ўринда бир савол туғилди. Тиббиёт мутахассисларининг айтишларича, жигар, буйрак ва ўт йўлларида учраган тошларни операция қилмай туриб замонавий аппаратлар ёрдамида эритиб юбориш мумкин экан-ку?

— Саволнинг жуда ўринли. Дарҳақиқат, юқорида айтганимдек, марказимизда жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида келтирилган замонавий тиббий аппаратлар мавжуд. Бироқ, бу аппаратлар инсон организмидан пайдо бўлган, ҳар қандай тошни эрита олмайди-да. Масалан, жигарда пайдо бўладиган (халқ ибораси билан айтганда жигар қурти) эканекокоза ҳасталигини даволашнинг бирдан-бир йўли беморни операция қилиш ёки жигар ўт йўллари — ўсма, жигар ўт — тош касалликларини ҳам фақат жарроҳлик йўли билан даволанади. Ошқозон ости беги оғирганлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Фақат буйракда, сийдик йўлларида пайдо бўлган майда тошни тиббий аппарат ва дори-дармонлар воситасида даволаш мумкин. Бир сўз билан хулоса қилиб айтганда бўлсам ҳар кимнинг соғлиғи ўз қўлида. Гигиена қоидаларига риоя қилиб, ҳар хил сабзавот ва гўшт маҳсулотларини тоза ҳолда истеъмол қилинса, жигар, буйрак ҳамда ўт йўлларида тош ёки ўсимталар пайдо бўлмайди. Биз шифокорлар имкон қадар халқимиз саломатлиғи йўлида меҳнат қилаверамиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

Метро

ЕР ОСТИНИНГ «МАЛИКА»ЛАРИ

тинин бошлаганига 6 йил бўлди. Бу тиришқоқ аёл 10 ойлик курсда касб маҳоратини оширишга муваффақ бўлди. Жамоа аъзолари Татьянага станция навбатчиси лавозимига номзодини маъқуллаб янгилашмаган эканлар. Узининг муқаддас вазифасини адо этишда Татьяна тажрибали устозларининг иш дастуридан андоза олишни жуда севади.

16 чакиримли «Чкалов — Беруний» метро бекатлари ора-

сида ҳар кун 12 та поезд 5-6 дақиқа ичда қатнайди. 11 та метро бекатини белгиланган муддатда босиб ўтиш ҳар бир жамоанинг шioriға айланишда кўпгина маъно бор. Бир сменада 100 та ҳаракат таркибини қабул қилиб олиш ва кузатиш учун юксак маҳорат керак. Станция навбатчиси Эльвира Зухурова, операторлар Наташа Антонен, Людмила Свиридова, Райхон Бердиевалар йўловчиларга метро хизмати-

ни яхшилашда ички имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Шу ўринда 15 йилдан бери метрочилар олқишига, йўловчилар эътиборига сазовор бўлиб келаятган Гулнора опанинг хизматини алоҳида таъкидламоқ лозим.

2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши метро жамоасини ҳам руҳлантириб юборди. Ер ости қасрини озода сақлашда фаррошлар Гули Холтеова, Анна Апалеева, Олейса Горбуноваларнинг покиза меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини шараф билан бажараётганидан мамнун.

Усмон МУҲАМЕДОВ.

Ҳамшаҳарларимизни ва пойтахтимиз меҳмонларини ўз вақтида ва ҳаф-хатарсиз манзилларига элтишда метро хизматининг ҳам муносиб улуши бор. Метрополитенчилар зиммаларидаги маъсулиятини яхши англаган ҳолда ўзига хос ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишда ер ости қасрида сидқидилдан меҳнат қилаётган метрочилар аёлларнинг ҳам улуши бекибсиз.

Ана шундай ўз касбининг билимдонларидан бири Татьяна Напалкова Тошкент метрополитенида меҳнат фаоли-

— Кадри Озодбек Ахмедович, айтингчи, аллергия хасталиклар ва улар ичида кенг тарқалган турларидан бири аллергия ринит хасталиги нима учун кундан кунга ортиб бормоқда?

— Жуда ҳам ўринли савол бердингиз. Агар ўтган асрда тиб илмининг даҳолари Гиппократ апельсиндан қаварчиқлар бўлгани, Ибн Сино диққатнафас ҳақида, Галин гулдан тумов бўлиш тўғрисида ёзган бўлсаларди, лекин улар асло «аллергия» иборасини ишлатмаганлар. Фақатгина ўтган асрнинг охирига келиб австриялик педиатр олим Пирке ўзининг моҳир ва енгил қўллари билан «аллергия» иборасини ёзиб қолдирди.

Агар ўша даврда аллергия хасталиклар, айниқса аллергия тумов хасталиги бармоқ билан санари ҳолда учраган бўлса, айни кунларда эса ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми ушбу кўз илғамас ёхуд киши билмас аллергия тумов, яъни ринит хасталиги билан оғирмоқда.

Ушбу хасталикнинг ортиб боришига экологик муҳитнинг бузилиши, қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида турли химикатларнинг кўп миқдорда бўлиши, турли хил дори-дармонларни ўзбичармонлик билан бетартиб истеъмол этиш, асаб системасининг толиқиши ва шунга ўхшаш ўнлаб сабабчи омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

— Келинг, энди айни шу аллергия ринит хасталиги ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Ринит — бу бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг касаллиги бўлиб, ҳар кун бир соат ичида ва ундан кўпроқ вақт давомида кўйидаги белгилардан: аксиритиш, бурун битиши, бурун оқиши ва бурун қичиши каби ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда икkitаси билан биргаликда кузатилади. Ўз навбатида ринитнинг аллергия, инфекция ва бошқа турлари тафовут қилиниб, биз бугунги суҳбатимизда кўпроқ ринитнинг кенг тарқалган аллергия тури ҳақида тўхталиб ўтсак. Аллергия ринит мавсумий ва йил давомида кечувчи ринит турларига бўлинади.

Мавсумий аллергия ринитнинг асосий белгилари бурун бўшлиғининг қичиши ва таъсирланиши, аксиритиш ва бурундан назла келиши, кўпичина бурун битиши билан бирга кузатилади. Аллергия ринитида шунингдек томоқ қичиқлиниши, кўзлар ва қулоқларнинг қичиши, кўздан ёш оқиши ва кўз соқаларининг шишиши билан ҳам кузатилиши мумкин. Хасталикнинг енгил ҳолатида аллергия ринит биров нокулайликлар туғдириши мумкин, оғир ҳолатида эса кишининг меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келади. У бош оғриш, ҳолсизлик, тез чарчаш ва хотирани жамлашнинг бузилиши билан асоратланиши мумкин.

Мавсумий аллергия ринитни келти-

риб чиқарувчи асосий сабабчи бу — ўсимлик гулларининг чанг зарралари ҳисобланади. Бу чанг зарраларини оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Уларни фақат электрон микроскоплар ёрдамида кўриш мумкин. Бизнинг иқлим шароитимизда аллергиялик хусусиятига эга бўлган турли хил ўсимликлар мавжуд. Уларни шартли равишда 2 турга — яъни маданий ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларга бўлиш мумкин. Маданий ўсимликлар қаторига ўрик, гилос, шафтоли, бодом, жийда сингари ўсимликларни, ёввойи ҳолда ўсувчи ҳамда кучли аллергиялик хусусиятига эга бўлган ўсимлик-

кибида бўлувчи қанчалар, парестик пари, кутубхона чангидир. Эпидермал аллергиялар қаторига ҳайвонларнинг туқлари ва қазғоқлари қиради. Айрим ҳолларда эса сувараклар ва замбурғининг айрим турлари хасталикни келтириб чиқаришда бош сабабчи бўлади.

— Айтингчи, хасталик сабабчлари қандай қилиб аниқланади?

— Хасталикни ташхислашда аввало беморлардан аллергиялогик анамнез йиғилади, яъни беморнинг касаллик тарихи ўрганиб чиқилади. Ана шундан кейин керак бўлса беморга аллергиялогик синамалар ўтказилади. Бундай

Профессор қабулида

РИНИТ ХАСТАЛИГИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАНАДИ?

Сўнгги ўн йиллар ичида ер юзининг кўпчилик мамлакатларида аллергия касалликлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Аллергия касалликлар келажакда кишилар орасидаги хасталикларнинг энг кўп тарқаладиган тури бўлиб қолди, деб тахмин қилинапти.

Маълумки, юқори нафас йўлларидаги аллергия касалликлар орасида аллергия ринит етакчи ўрин эгаллайди. Республика аллергиялогия марказининг маълумотларига қараганда 1990-1995 йиллар мобайнида Ўзбекистонда аллергия ринит аллергия касалликлар билан касалланган ҳамма беморларнинг 32,7 фоизини ташкил қилди.

Шифокорларнинг турли соҳа бўйича мутахассислари аллергия ринит билан хасталанган беморлар билан кўндалик иш жараёнида дуч келадилар ва бу касаллик билан курашиш натижасида ҳар доим ҳам ўзлари кўзлаган натижага эришолмайдилар.

Сабабларнинг кўп омиллиги ва организмнинг касаллик келтириб чиқарувчи омиллар таъсирига турлича берилиши ринитнинг ҳар хил клиник турларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Уларнинг ҳар бирининг давоси ўзгача йўл туттиши талаб қилади. Шу боисдан биз Республика илмий-ихтисослашган аллергиялогия Марказининг раҳбари, Европа Аллергологлар академиясининг аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Озодбек Ахмедович НАЗАРОВ билан суҳбатимиз мавзусини ринит хасталиги ва уни даволаш масалаларига бағишладик.



лар қаторига эрмон, бурчон, шувок, шўрларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Умуман олганда ушбу санаб ўтган ва бошқа ўсимликларнинг айнан ўзлари эмас, балки улар гулининг чанг заррасига аллергия ҳолат ёхуд, хасталикни келтириб чиқаради. Аллергия ҳолатни қачирини учун ана шу ўсимлик гулининг чангида аввало аллергиялик хусусияти мавжуд бўлиши керак, қолаверса ана шу ўсимлик гули чанг заррасининг оғирлиги 35 мкм дан ошмаслиги ҳамда у шомолда узоқ масофаларга учувчан бўлиши лозим. Шулардан хулоса қилиб таъкидлаб ўтиш жоизки, мавсумий аллергия ринитнинг пайдо бўлиш сабаблари ва тазлиги шу жойнинг географик иқлим хусусиятларига боғлиқ.

Энди икки оғиз сўз йил давомида кузатиладиган аллергия ринит ҳақида. Уларни келтириб чиқарувчи асосий сабабчи маиший ва эпидермал аллергиялар ҳисобланади. Маиший аллергиялар қаторига уй чанги ва унинг тар-

синамалар тери синамалари ва провокацион синамалар дейилиб, ҳар бир беморга унинг аҳоли, ҳолати, клиник белгиларига қараб олиб борилади. Булардан ташқари беморнинг қон таркиби тўлиқ таҳлил қилинади ва керак бўлса рентгенология текшириш усулларидан ҳам фойдаланилади, шароит қараб компьютерли томография ҳам ўтказиш мумкин.

— Хасталикни даволаш анча мураккаб бўлса керак?

— Мавсумий аллергия ринит икки босқичда даволанади, яъни хасталикнинг кучайиши даврида номаҳсус даво ўтказилса, хасталикнинг тинч даврида маҳсус даво олиб борилади. Кези келганда шунини айтиб ўтиш жоизки, кўпчилик беморлар айни хасталик кучли хуруж қилиб турган пайтда ёки бошқача қилиб айтсак жонларидан ўтган пайтдагина шифокорга мурожаат этадилар. Шундай ҳолатлар ўз берганда бурундан ўпкалайдилар, ваҳоланки ўпкаланиш ўринли эмас,

чунки бурун хасталикка дучор бўлган. Шундай экан хасталикнинг айни тинч даврида, маҳсус даво оладиган пайтларда шифокор қабулига келишга вақт ажрата олмайдилар ёхуд хасталикларини бутунлай унутиб қўядилар. Аслида эса ўз вақтида ўтказилган (хасталикнинг тинч даврида албатта) маҳсус даво ўзининг бир қатор ижобий томонларини кўрсатади.

Хасталикнинг хуруж вақтида эса беморларга фақат касалликнинг клиник белгиларини қайтарувчи, аллергия яллиғланиши пассивлашувчи дориладан фойдаланилади. Бундай дориладан қаторига антигистаминлик хусусиятига эга бўлган ва узоқ муддат таъсир этувчи таблеткалардан кларитин, лотанакс, гисталонг, гисманал, кетатифен, задитенлар қиради. Айни яллиғланиш ўчоғи бўлган бурун бўшлиғига маҳаллий даво сифатида алдин, аллергодил, ломузол, интал, бекназа, назакорт сингари дориладан, кўз шиллиқ қавати аллергия яллиғланишини камайтириш мақсадида эса кузихром, оптихром сингари кўз томчи дориладан фойдаланиш тавсия этилади.

— Энди хасталикнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мавсумий аллергия ринитнинг олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор бериш даркор:

- ўсимлик гуллаш мавсуми ҳақида олдиндан маълумотларини билиш;
- ҳавосида катта миқдорда аллергия бўлган ҳудудлардан узоқлашиш;
- дараза ва эшикларни зич ёпиш;
- автомобилларда ҳимоя филтридан фойдаланиш;
- ташқарида кўзойнак тақиб юриш;
- гипоаллергия пархезга амал қилиш;
- уй ҳайвонларини сақлашмаслик;
- уйлари тозалашда албатта бурунча ниқобни намлаб тутиш ва чанготтичдан фойдаланиш.

— Хасталик ҳозиргина сиз таъкидлаб ўтган клиник ҳолатлардан ҳам оғирроқ ўтиши мумкинми?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Аллергия ринитнинг оғир турида беморларда аллергия хасталикнинг янада оғир кўринишларидан бири бўлган бронхит астма хасталиги клиник манзарасини намоён этади. Бунинг ўзи катта бир мавзу.

— Хурматли Озодбек Ахмедович, қизиқарли, мазмундор, айни пайтда долзарб масалани қамраб олган қимматли суҳбатингиз ва маслаҳатларингиз учун кўп сонли «Тошкент оқшом» муштарийлари номидан ташаккур!

Суҳбатдош
Солиҳ ЁҚУБОВ.

Мен кимман? Қандай одамман?

КИЧИКЛАРГА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК

Албатта, ғамхўр бўлишимиз керак-да, дейишнинг мумкин. Қуйидаги тестимиз сўровларини синчиқлаб ўқиб, мулоҳаза қилиб кўрсангиз, ҳақиқатан ҳам сиз ўз фикрингизга қанчалик амал қилишингизни билиб оласиз. Бу тестимиз оиладаги катта акалар ва оналарга бағишланган.

Ҳа ёки йўқ деб жавоб беринг.

1. Сиз уйдаги кичкинларни (кичкина ука, сингилларингизни) тез-тез «зарарқундалар» деб аташга одатланганми?

2. Жажжи болаларнинг инқиқиликлари, паллапартишликларидан тез-тез жажжингиз чиқиб турадими?

3. Уйдаги кенжа «тойчоқ» ёки жажжи кизчага ғамхўрлик фақат ота-онангизнинг иши бўлиб қолганми?

4. Ўзингиздан кичкина укангиз ёки сингил-гизга улар истаганини қилишга йўл қўйиб берасизми?

5. Агар кичкинтойлар қандайдир ноҳўя иш қилиб қўйишса — дарҳол ота-онангизга етказишга ошқасизми?

6. Агар оиланинг кенжатоғи ҳаммиса атрофингизда гирдиқалпақ бўладиган бўлса, сиз билан бирга бўлишга интилас жажжингиз чиқмайдими?

7. Ўзингиздан кичкина укангизни дўк билан қўрқитасизми ёки уни уришингиз ҳам мумкинми?

8. Укангиз ёки сингил-гиз билан шугулланиш факториизми?

9. Кичкина болаларнинг жижга тегмасликка ҳаракат қиласизми?

10. Ўзингиз ҳам шу кичкинтойлар ёшида бўлган вақтингда нималарни ҳис этганингизни, қандай қилиқларингиз бўлганини эслашга ўринли кўрасизми?

Жавоблар.
8, 9, 10 сўровлардан бошқасига «Йўқ» деган жавоб бўлиши керак.

1. Йўқ. Агар сиз гўдакни «зарарқундалар» дейдиган бўлсангиз, бу — уни рақибати, уни ҳақиқий «зарарқундалар»га айлантиради. Яъни

си, унга нимаси ёқмаётганини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

2. Йўқ. Тартиблиликка ўрганиш — улгайиб боришнинг ажралмас аломати. Уларга тартиблиликда намуна кўрсатинг. Лекин уларнинг ҳам худди сиздай саранжом-сарипта бўлишларини кутманг.

3. Йўқ. Албатта, жиддий масалаларни ота-онангиз ҳал қилишлари керак. Лекин сиз ҳам оила аъзоси эканлигингизни унутманг. Ука-сингилларингизга ғамхўрлик — сизнинг ҳам бурчингиз.

4. Йўқ. Сиз каттасиз. Шунинг учун уларнинг саломатлиги ва руҳиятига зарар қилувчи нарсаларни қилишларига йўл қўйиш мумкин эмаслигини тушунаси.

5. Йўқ. Агар сиз майда-чўдаларни ҳам чақиштиравсангиз — демак, сиз оддий чакма-чақар экансиз. Лекин жиддийроқ нарсаларни ота-онангизга етказишдан қўрқманг.


6. Йўқ. Аслида бундан хурсанд бўлишингиз керак. «Хўш сиз билан ўйнаймиз, лекин бир ластдан кейин дўстларим ҳузурга боришим керак», деб улар билан келишиб олишга интилинг.

7. Йўқ. Қўрқитиш ёки жисмоний куч-ишлатиш жуда хавфли. Агар тўғри, яъни гўл билан муаммоларни ҳал эта олмагангиз, ота-онангиз, ўқитувчилар ёки бошқа катталар билан маслаҳатлашиб кўринг.

8. Ҳа. Кўпичина катталар эмас, айнан сизнинг ўзингиз болакайларни ўргатишингиз мумкин бўлган нарсалар учраб туради. Уларга туфли ипларини қандай боғлаш, бирон сўзни ёзиш ёки шеърни ёдлашни ўргатиш. Бундан ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз.

9. Ҳа. Агар болаларнинг ғашини келтирадиган, уларни масхарага айландириш бўлсангиз — асл бемор, ёмон одам экансиз.

10. Ҳа. Дунёда тўла бир-бирига ўхшаган одам бўлмайди. Лекин ҳозир укангиз ёки сингил-гиз қилган ишларни ўз вақтида сиз ҳам қилгансиз. Шу ёшда ўзингиз қандай бўлганингизни эслаб, тоқатлироқ ва меҳрлироқ бўлишга ҳаракат қилинг.



Шаҳримизнинг баҳаво гўшалари.

Фойдали маслаҳатлар

Уй гуллари парвариши

◆ Хона гулларини елвизак жойда ва тамаки тутунга бурқсийдиган уйда яхши ўсмаслигини унутмаслик керак.

◆ Гуллар яхши нафас олсин десангиз, гул баргларидаги чангини тез-тез артиб туринг.

◆ Фикс гулининг барглари ялтираб, жойибали бўлиб турсин десангиз, унинг томир-рига бир қошиқ қанқунжот мойи куйинг. Бундай ёғ дориқалларда бўлади.

◆ Гул тувағига керагидан ортиқ сув қийманг. Икки-уч соат давомида сувни шимиб олмаса, гул тувағидаги сувни тўкиб ташланг.

акс ҳолда ёш томирларни чиритиб юборади.

◆ Агар гул тувағидаги тулроқ тезда қуриб, ёрилиб кетса, унга ёғоч қилини, дарё ва арик қумларидан арашлатиринг.

◆ Хонадаги гулларнинг жойини тез-тез ўзгартириш тавсия этилмайди. Чунки гулнинг барглари ёруғликка қараб ўсади. Гул тувағини ўзгартириш пайтида улар яна ёруғликка интилиши мобайнида ўши жараёнига қаттиқ таъсир қилиб, гуллар яхши ривожланмайд.

Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади.

Бу — қизиқ!

ДУЭЛГА ЧИҚҚАН АЁЛЛАР

Одатга кўра дуэлга чакирши, яъни қурол билан яккама-якка чиқиш эркакларга ҳос иш деб ўйлаб юрганимиз тўғри эмас экан. Аёллар ҳам қўлларига қурол олиб бир-бирларини дуэлга чакиршиш экан.

Францияда аёллар дуэлга чиқишади. Улар ўз фикрини бирор ирор бўлмаса ҳам, эри беғона аёл билан кўнглидош бўлса ҳам, аёл журналистнинг ўзига мақоласи беришга эриш тўғрисида, ёки ёқма-са, ҳуш кўрмаса ҳам дуэлга чакирши ҳуқуқига эга экан.

Ўқ отади, қиз эса йигитнинг юрагини пойлаб отиб ўлдиради.

Ўтган аср сўнггида АҚШда дуэлга чиққан аёллар сони юздан ошганлиги ҳақида ёзма маълумотлар сақланган. 1871 йили бир йигитта ошқ бўлган америкалик икки қиз бир-бирини дуэлга чакиршишди. Йигит иккисига ҳақамлик қилади. Ўзини севган

қизнинг бири дуэлда ҳалок бўлади. Йигит дуэлда ғолиб чиққан қизга ўйнади.

Англияда ҳам аёллар тез-тез дуэлга чиқиб турар экан. Меҳмонга борганда, жомат жойларда, байрамларда, тўй-маъракаларда бўлмасин, аёлларнинг бир-бирини дуэлга чакиршиш инглизлар учун XVIII асрдан буюн одат тусига айлланган. Англияда Франция ва

АҚШдаги каби аёлга биров: «Сен қариб қолбисан» деса ҳам, «Авал сен ўта сулув эдинг» деса ҳам ёки бошқа ёқмас сўз айтса ҳам дуэлга чакиршар экан. Дуэль дуч келган ерда эмас, маҳсус жойларда ўтади, унга томошабинлар ҳақамлик қилишади.

Кидирбой Тўлабоев тайёрлаган.

ШАРҚ ДУРДОҲЛАРИ



◆ Дунёда тўрт нарса оғирроқдир. Биринчи, қариган чоғида кўрлик ва хорлик. Иккинчи, гурбатда беморлик. Учинчи, камбағалликда қарздорлик. Тўртинчи, мусофирликда дўстлардан ажраб қолиш.

◆ Бу уч нарсани киши ўзига одат қилмоғи лозим: биринчи, жазолашга буюраётганда шошмаслик. Иккинчи, яхшилик қилишда имилламаслик. Учинчи, мусибат тушганда сабр қилиш!

◆ Бу беш нарса ганиматдир: биринчи, қаримай туриб ёшлик. Иккинчи беморликдан аввалги саломатлик. Учинчи, камбағалликдан аввал бойлик. Тўртинчи, заҳматдан аввал фароғат. Бешинчи, ўлимдан олдин тириклик.

Муҳаммад ХУСАЙН.

◆ Ёзишларича қадимда бир киши бўлиб, у жуда софдил, фақат кўл меҳнати билангина топан мolidангина овқат ер, шубҳали нарсалардан доимо қочар экан. Қуни келиб ейишга ҳеч нарсаси қолмади. Уч кун овқатсизлик балосини тортгач, учинчи қуни анҳор лабига келиб ўтирди ва ногоҳ сувда оқиб келаётган олмани кўриб қолиб, тутиб еди. Сўнг ўзича: «Эй аҳмоқ, сен доимо ҳалол ер эдинг, ўз қўлинг билан топан нарсадангина овқатландинг! Бутун сен нима иш қилиб қўйдинг! Нафсинг қўйига кириб, кимники эканлигини билмаган олмани еб, аҳдингни буздинг!» — деб танбех берди. Сўнг олма қаердан тушганини билмоқчи бўлиб, анҳор ёқалаб кета бошлади. Анча йўл юргандан кейин бир боқча етиб келди ва воқеани айтди. Бог эгаси унга:

— Биз уч ақа-укаимиз, ўқовимизнинг ҳам боғимиз бўлиб, мазкур анҳор ҳар ўқовимизнинг ҳам боғимиз ичидан ўтади! Агар ўша олма менга қарашли бўлса, майли, уни сенга ҳалол қилдим! — деди.

Сўнг уни яхшилаб меҳмон қилди ва тунаш учун жой берди. Тонг отгач, софдил кишининг кўнгли тинчмай, иккинчи ақасининг боғи томон равона бўлди ва унга ҳам бўлган воқеани баён қилди. Бу бог эгаси уни танир эди. Иззат-икром билан кутиб олиб, меҳмон қилди ва:

— Агар ўша олма менинг боғимдан бўлса, мен уни сенга ҳалол қилдим! — деди.

Софдил кишининг кўнгли тўлмай учинчи ақанинг олдиға борди.

— Мен сени бир ҳафта меҳмон қиламан, ундан сўнг жавобимни айтаман! — деди.

Софдил киши:

— Йўқ, аввал олмага рози ёки норози эканингизни айт! Ундан сўнг нима қилсанг розиман! — деди.

Бог эгаси эса рад қилиб:

— Рози бўлиш-бўлмаслик менинг ихтиёримдир! Шундай экан истаган қунида жавоб айтаман! — деди.

Софдил киши:

— Бўлмаса уни менга сот, пулини топиб келиб бераман! — деди.

— Бог эгаси эса:

— Бир иш бор, ўшани қилмагунимча рози бўлмайман! — деди.

Софдил киши:

— У қандай иш экан, тезроқ айт! — деди.

— Менинг бир қизим бор, — деди бог эгаси, — кўзи кўрмайди, тили соқов, қўл-оёғи ишламайди, унинг устига қулғоғи йўқ! Агар уни хотинликка қабул қилсанг, ўшандагина рози бўламан!

Софдил киши ниҳоятда оғир аҳволда қолди. Унинг ҳеч қили йўқ эди. Рози бўлмай деса, ёган олмаси қорнида ҳазм бўлмай турганга ўхшар, рози бўлай деса, бундан «таъриф ва тавсиф»га эга бўлган хотин билан қандай ҳаёт кечиришни ўйларди. Охири ўзича: «Ахир, бечора қизда нима гуноҳ! У ҳам ҳаёт лаззатини топиши керак. Савоб учун уни никоҳимга оламан ва бахтиёр қиламан!» деб аҳд қилди.

Қизни унга никоҳлаб бердилар. Софдил киши тунда қизнинг олдиға кирди ва ҳайронликдан қотиб қолди. Унинг қаршисида чиройда тенгсиз ўн беш қунилик тўли ойдёк сарв қомат бир қиз турарди. У адашиб қолдм шеклили деб орқасига қайтди ва бир чеккада турган қизнинг отасига дуч келди ва ундан:

— Бу менга айтган қиз эмаску?! — деб сўради. Қизнинг отаси унга:

— Эй йигит, қизимда ҳеч қандай айб йўқ! Мен уни кўр дейиш билан ўзга эркаклар юзига тикилмаганини, соқов дейиш билан ҳеч қачон беадабона гаплар айтмаганини, қар дейиш билан, фойдасиз ва беаза сўзларга асло қулоқ солмаганини, қўлсиз дейиш билан, ҳеч бир ҳаром нарсига қўл урмаганини, оёқсиз дейиш билан, бирорта номақбул жойга қадам изи қилмаганини билдирмоқчи эдим. Шундай покиза ва ифбатли қизга сендан ўзга муносиб софдил қувв топа олмаслигимга ишониб, сенга топширдим! Менинг шу қиздан ўзга фарзандим йўқ! Бутун мол-мулким сеники! Шу бугундан бошлаб менинг фарзандимсан! — деди.

У киши софдил ва ҳалоллик туғайли шундай бахтга эришди. Эй биродар, бу ҳикматни шунинг учун келтирдимки, то софдил ва ҳалоллик кишини бахту саодатга ет

ЖУМБОҚ САВОЛ

(Хажвия)

Бир ўртоғим бор. Иسمى — Шариф. Мактабдалик пайти-мизда, аникроғи саккизи синфгачи-ей, кўйнинг оғзи-дан чўп олмайдиган бола эди. Кейин нима-ям бўлди-ю, секин-аста айний бошлади: дарсларда бир кўриниб чо-чадиган, баъзан ҳафтада икки-уч кўнлаб кўринмай қола-диган одат чикарди.

«Нега бундай қиялсан?» — деб сўраса, «тирикчилик», дерди, тортиниб. «Еш боши билан қанақа тирикчилик», ўйлардик, биз. Хар қанча билишга ҳаракат қилмайлик, у барибир сир бой бермасди. Ҳақиқатлар тергашди, кой-ишди, ота-онасини хатто мактабга чақириб ҳам кўришди, фойдаси бўлмади: Шариф интизом, ўзлаштириш томон-дан ўзгармади.

Бирок, бошқа жихатдан унда сезиларли силжиш бўлди: бош-оёқ кийимлари, гап-сўзлари кескин ўзгарди. Уни ол-диндан билмайдиганлар кўрганда, бу бола ҳойнаҳой кат-та бир амалдорнинг ёки сермулк пулдорнинг ўғли, дей-диган даражага етди.

Танаффуслар кўнгирок чалинди дегунча, Шариф ё таш-қарига чиқади, ё барча зарурат билан борадиган жойга кириб олади-да, «Малбро» ёки «Пал-мал» буржиста бош-лайди. Аммо «хаваскор» чекувчилар қанча ялинишмасин, хатто бир марта тортишга берганини ҳеч ким кўрган эмас.

Шап-шап демай, шафтолига ўтадиган бўлсам, тафси-лот бундай: Шариф оғайнимиз ҳам ўрта мактабни битир-ди. Муаллимларга ялиниб-ёлвордим, совға-саломми ёки устозлар ундан қўлулиганига шўкур қилишимди, бу ёғи бизга қоронғу...

Биласиз, пойтахт бозорларида ҳоҳлаган нарсангиз ҳам, ҳоҳламаган нарсангиз ҳам топилади. Сотувчилар шундай тирбанд бўлишди-ки, олунчининг уларни ораб ўтиши амри маҳол. Буниси-ям ҳали ҳовла, бозорга киришингиз биланок, сотувчилар йўлингизни тўсиб, хира пашадайд ёпишиб олишди. Ўз молини мактаб, осмону фалакка опчиқашди. «Баракка толқулар, бошқа нарса харид қил-моқчиман», — деб хани энди уларга тўшунтириб бўлса. Мабодо биронтаси молининг нархини сўраб қолсангиз борми, то сотиб олгангизнингизча сизни жилдириб бўпти.

Ҳепнинг индаллоси, шу отанг бозор, онанг бозорда сомсапазлар «шайка»сига ўраб қолдим. Билганимда-ку, айлибди бўлса-да, четлаб ўтишининг иложини қилардим. Лекин энди кеч бўлганди: улар мени аллақачон ўз қур-шовига олишганди. Шу алфозда улар қилиқларини кўсан-гиз, ёқа ушласиз: биттаси қанча-ям кишига қорни ёриб қўратилган сомсани гўё сиз учун ҳозир шундай қилган-дай намойиш этса, бирови қўлидаги сомса ичига носко-воқдай идишдан қора мурч сеип узатади, бошқаси ичи-да чаре ёғ бўлса ҳам думба деб, кўзингизни шамғалат қилиб, дарров бекитади. «Заказ сомса, заказ сомса», — деб бақиршларидан эса қулоқ жонивор том битади.

«Хой, аяшлар, «заказ» дегани ўз тилимизда «бюртма» бўлади. Лоақал ўзбекчада бақиринлар, балки бюртма берган одам қелиб оқтар бюртмасини», — деганингиз билан ҳеч бирови эшитмайди. Қўлидаги сомсани бурнин-гизга теккиздугай қилиб, ўз «маҳорати»ни давом эттира-веради.

Бу «чақон»лар исқанжасидан қандай қўлулиш чораси-ни излаётган эдим, қулоғимга таниш овоз эшитилиб қол-ди: «Кеп қолинг, исқикина заказ сомса. Қора кўчор-нинг думбаси солинган, ёмаганлар армонда...»

Шу тарафга амал-тақал силиждим. Олдида усти ёпи-лиқ катта тоғора, бир қўлида қизариб пишган сомса, ик-кинчисидан гармдорили идиш ушлаган қўли кучи етганча бақирди, собиқ синфдошим — Шариф.

У мени қўриш биланок, хар қанча тўқман дейишмга қарамай, қўлимга сомса тутказди-да: «мана шуни секин еб, ёнимда бирпас тур. Олувчи қўпаяди», — деди. Кейин тезда хол-ахол сўрашиб олгач, яна бақиршини давом эттирди. Мен ҳам жим турмадим:

— Шариф, нега «заказ» демасдан, «заказ» деб бақира-сан?

— «Заказ» деса, чиройли чиқади.

— Сомсага «заказ» сўзи қўшиб айтилишининг боиси нимада? Ёки биронтаси сомса пишириб беришларини илтимос қилиб, кейин бюртмасини олишни истаганми?

— Нега унақа дейсан?! Ҳеч ким бюртма берган эмас! Ҳамма сомса сотувчилар «заказ сомса», деб олунчи чақир-ишади. Мен ҳам...

Мен ёнимда турганим учунми, билмадим, Шарифнинг бозори борган сари қизирди. Барибир фойдаси йўқлиги-ни билиб, уни ортқича саволга тутмадим. Ҳисоб-китоб қилиб, у билан хайрлашдим.

Бирок, сомсапазларга берган саволларим жумбоқ бўлиб қолгани учун ушбу ҳазиломуз ҳикояни шундай яқунлашни маъқул топдим: мабодо сомса ёпишга бюрт-ма берган бўлсангиз, албатта олинг, азизлар, сомса со-тувчилар забонига раҳм қилинг!

Худойиддин ЖУМАНАЗАРОВ.



ЗАМОНАВИЙ УСУЛДА

Мамлакатимизда «Соғлом авлод» давлат дастури муваф-фақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Рес-публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббий реабилитация ва физиотера-пия илмий-тадқиқот инсти-тутти жамоаси ҳам барча қато-ри ушбу дастурни амалга ошириш ишига салмоқли ҳисса қўймоқда. Бу ўринда институт раҳбари, профессор Анис Алявиннинг хизматлари-ни алоҳида таъкидлаш ўрин-лидир. Унинг бошчилигида замонавий тиббиёт истиқола-лари йўналишидаги ишлаб

чиқаришлар муваффақият бил-лан амалиётга жорий қилиниб келинапти.

— Институтимизда тўртта бўлим бор, — дейди бизга бошчиқнинг даволаш ишла-ри бўйича ўринбосари, олий тоифали шифокор Шукрулло Хидиров. — Улар тиббиёт ре-абилитация ва физиотерапия, гинекология, махсус ҳамда диагностика услублари билан текшириш бўлимларидир. Жорий йилнинг олти ойи ичида катталар ва болалар ста-ционарларда мутахассислари-миз 3 мингта ақин беморлар-нинг соғлиқларини тиклашда



ёрдан бердилар. Шунингдек, бизда энг замонавий техника билан жиҳозланган муолажа хоналари ва лабораториялар беморларга хизмат кўрсатмоқ-да. Институтимизда спорт-со-ломлаштириш мажмуаси, са-уна ва фитобарлар ҳам мав-жуд.

Институтда ўз касбининг усталари бўлган тиббиёт фан-

лари доктори Мавжуда Али-окунова, профессор Гулнора Содиқова, тиббиёт фан-лари номзоди Холида Ума-рова сингари фидойи олим-лар меҳнат қилишади.

Усмон УСМОНОВ. СУРАТЛАРДА: институт ҳаётидагидан аҳолилар акс эттирилган.

Муаллиф олган суратлар.

Шифобахш неъматлар

ЛУЧЧАК ШАФТОЛИ

Бу номнинг атилишининг ўзидаёқ оғзимизга сершира, хушхўр ва анвойи мева тами келади. Халқ селекцияси натижасида рўёбга келган шафтолининг «Оқ ойлари», «Минор», «Офалин», «Бахмал луччак» нави кўпчилигини ҳурмати-га сазовор бўлган. Серхосиятли ҳисобланувчи бу неъмат табиат аҳли томони-дан бир қатор хасталиклари даволаш учун тавсия этилади. Илмий медицина-мизда шафтоли меъданинг безларини секретор фаолиятини ошириш мақсади-да тавсия этилади. Шафтоли қийин ҳал бўлувчи, чала ҳазм ва ёғли овқатларни сингизишда ажойиб натижаларни кўрсатади. Бундан ташқари, шафтоли кўнгил айнашига хотима бериб, қайд қилишга радиацияловчи таъсир кўрсатади. Шаф-толи шарбат кишига қуваат бағишлаш қобилиятига эга, чунки унинг тарки-биде темир, марганец, кобальт каби элементларнинг салмоғи баянда. Шафто-ли, айниқса, луччакда киши аъзоларининг ҳужайраларида модда алмасхи-нишни тегарг туришда хизмат кўрсатадиган калий элементи қўйсан кўп (363 миллиграмм). Шу туфайли ҳам шафтолихўр одамлар кам захарланадилар.

Халқ табобатида шаф-толи мевалари иштаха-очини, ични маърошлаш-тириш учун истеъмол этилади. Халқ табобати амалиётида шафтоли юрак қисилишини даво-лашда, гижжалардан озод бўлиш мақсадида шафто-ли меvasини сувда қайна-тиб тайёрланган қўйма-дан кунига 100 қалокдан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Шафтолининг «луч-чак» нави карбонсувлар, органик кислота, пектин,

эфир мойлари бўлиши бил-лан бирга, дармондорилар-дан витамин А (каротин), В1, В2, РР ва С лари са-қалайди. Луччак анчагина тўйимли ҳамдир: 100г луч-чак 44 калорий қуваат ба-ғишлаши мумкин.

Афсуски, ҳозирда луччак навли шафтолиларимиз кескин камайиб кетган. «Сабзавот-мева» дўконла-рида мутлоқ учрамайди. «Луччакнинг умри қисқа» деб уни экишга ҳафсала қилмайдилар. Ваҳолаки, табиатимизнинг бу бебаҳо

неъматини ўстириб 15-20 йил ҳосил йиғган қўли гул соҳибкорларимиз бор. Уларнинг фикри бўйича, луччак нирҳоята парвариш-ни талаб этувчи дарахт. Ўз вақтида дарахт таги юмша-тилиб, сув бериб турилса серхосилиги мўқим бўлиб, умри боқийлашади. Ай-тишларига қараганда, луч-чак атрофига маккажўхори экилиши, дарахтни камол даражасига кўтарилишига салбий таъсир қилиб, уни ўстирмай қўяди.

Луччак офтобсевар

ўсимлик, салқин жойда имилжирик бўлиб ўсади. Соҳибкорларимизнинг масъалатига қараганда, луччак қўймага етиб пишганида қўл билан те-рилгани дарахтни шикас-тланишдан сақлайди ме-ваннинг ўзи покиза бўлиб, захарланмайди.

Луччак билан безатил-ган ҳар қандай дастурхон кишини дилини ёришти-ради. Ўзгача бир файз ба-ғишлаб, иштаҳани уйғо-нишга туртки бўла ола-ди.

Саломатлик ёмбиси ҳисобланувчи шафтоли баъзи бир хасталиклар билан озорланган киши-лар учун тўғри келмайди. Чунотчи, луччак ўзида қантқи кўп сақлагани (14 фойз) туфайли, уни кан-гли диабет билан оғирган кишилар сунистеъмол қилмасликлари лозим. Шу билан бирга, шафто-ли билан ҳиммалли аёл-ларнинг кўнгил айнаши-ни қолдиришга ҳаракат этилмаслиги керак.

Маннон НАБИЕВ, дорисунос.

Футбол

БИРИНЧИ ДАВРА ОРТДА ҚОЛДИ



Мамлакат IX миллий чемпионатида бу йил би-ринчи бор 20 жа-моа иштирок эт-моқда, мана би-ринчи давра ўйи-нлари аяқланди. Жамоалар бу йил-ги чемпионатни кўтаринки руҳда ўтказиб, муҳлис-лар ишончини оқла-дилар. Пойтахтимиз-нинг олий табақадаги икки вакили муваффақиятли қатна-ша олмади. Ваҳолаки, дастлабки тўрт турдан сўнг улар пешқадамлар сафидан жой эгаллабган эдилар. Сўнгра са-фар учрашувларида кетма-кет мағлубиятга учраб очко-ларни тарқатиб юбордилар. Натижада «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида ўтказилган учрашувларнинг аттиги бештаси-да галаб қозонди ҳолос. Улар бор-йўғи 16 очкога эга бўлдилар. Сафарда эса пахтакорчилар бор-йўғи битта гала-ба билан қийоғландилар, натижада тўплаган очколари 6 тага етди. Пахтакорчиларнинг биринчи даврадаги умумий очколари 22 очкони ташкил этади ва улар жадвалда 11-ўринни банд этдилар.

«Трактор» эса ўз майдонларида 7 галабани қўлга киритиб 22 очко тўплаган бўлсалар, сафарда бирон марта ҳам галаба навишасидан баҳраманд бўлмадилар. Атиги икки дурангга эришиб, икки очкога эга бўлдилар. Улар-нинг чемпионатда тўплаган очколари сони 24 тага етди. Жадвалда эса ўнинчи ўринни банд этдилар.

Мамлакат чемпиони Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жа-моаси ўз муҳлисларини хушнуд этмоқда. Улар ўз майдон-ларида ҳам, сафарда ҳам ҳужумкор руҳда тўп суриб, дар-возаларга 52 та тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Чем-пионатда 47 очко тўплаган ҳолда жадвалда қарвонбоши-лик қилмоқдалар.

«Самарқанд — Динамо» жамоаси ҳам бу йил ўз ишқи-бозлари оқчиларига сазовор бўлмоқда. Улар «Дўстлик»-дан сўнг рақиб дарвозасига энг кўп тўп киритган жамоа-дир. Улар рақиблар дарвозасини 45 бор ишол этганлар.

Чемпионат давомиди 14 галабани қўлга киритиб 43 очко тўплаган ҳолда самарқандликлар 2-ўринни банд этиб туриб-дилар. Қаршининг «Насаф» жамоаси бу йил чиройли ўйин кўрсатиб, яхши кўрсаткичларга эга бўлди. Улар 39 очко бил-лан жадвалда учинчи ўринга чиқиб олдилар. Қўли олтилик-дан шунингдек, бу йил ўларнинг чиройли ўйинларини намойиш этётган «Навбахор», «Нефчи», «Сурхон» жамоа-лари жой олганлар. Шуниси қувонарлики, бу йил биринчи бор олий табақада тўп сураётган Ангреннинг «Семурғ» жа-моаси кучли ўлиқда юрибди. Улар олий табақанинг «Бухо-ро», «Андижон», «Трактор», «Пахтакор», «Сўғдиёна», «Зараф-шон» жамоаларидан илгарилар кетганлар. Бу йилги чем-пионатда ўрганчнинг «Хоразм», Қўхоннинг «Темирйўлчи», Бе-кободнинг «Металлург» жамоалари «Гулистон», «Кимёгар», «Турон» каби муваффақиятсиз ўйнамоқдалар. Шу сабабли улар жадвалнинг иккинчи ярмидан жой эгаллаб турибдилар. Ўйлашарди, иккинчи даврада «Темирйўлчи», «Хоразм», «Ме-таллург», «Сўғдиёна» жамоалари майдонда ташаббус билан ҳаракат қилиб жадвалдаги ўринларини яхшилаб оладилар ва муҳлислари ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар. Шуни таъкидлаш лозимки, «Пахтакор» жамоаси ўйинчилари би-ринчи даврада 26 бор ҳакам томонидан оғохлантирилган. Икки бор эса майдондан четлатилдилар. «Трактор» жамоаси ўйинчилари ҳам 26 бор ҳакам томонидан оғохлантирилган, 4 ўйинчи майдондан четлатилган. Томошабинлар борасида эса самарқандлик футболчилар пешқадамлик қилмоқдалар. Улар иштирокидаги ўйинларда 300 мингга яқин томошабин стадионга бориб, уларни қўллаб-қувватлаб турганлар. Пах-такорчилар эса бу борада 280 минг томошабин тўплаб ик-кинчи ўрини эгаллаб турибдилар. Томошабинлар тўплаш борасида наманганликлар учинчи, «Семурғ» эса тўртинчи ўринда турибди.

Биринчи давра тўпурларлари сафидан тахрибали ўйинчи-лар жой эгаллашган. «Дўстлик» жамоасининг ҳужумчиси Жа-фар Ирисметов 20 тўп билан бу баҳода қарвонбошилик қил-моқда. Зафар Холмуродов («Насаф») эса 16 тўп билан унинг изидан бормоқда. Самарқандлик мохир футболчи Мухсин Мухаммадиев 14 тўп билан учинчи погонани банд этган. Шунингдек кучли тўпурларлар сафидан Фарид Хабибуллин («Дўстлик»), Игорь Шкварин («Пахтакор»), Неъматулла Қут-тибоев («Семурғ») жой олганлар.

ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРАДАН СЎНГ ЖАДВАЛДА ТУТГАН ЎРНИ

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Дўстлик»	19	15	12	2	52-22	47
2.	«Самарқанд — Д»	19	14	1	4	45-21	43
3.	«Насаф»	19	11	6	2	38-22	39
4.	«Навбахор»	19	11	5	3	43-20	38
5.	«Нефчи»	19	10	6	3	32-18	36
6.	«Сурхон»	19	9	5	5	34-28	32
7.	«Семурғ»	19	9	4	6	34-24	31
8.	«Бухоро»	19	9	3	7	23-22	30
9.	«Андижон»	19	7	7	5	33-24	28
10.	«Трактор»	19	7	3	9	24-21	24
11.	«Пахтакор»	19	6	4	9	27-31	22
12.	«Сўғдиёна»	19	6	4	9	20-26	22
13.	«Зарафшон»	19	6	4	9	16-31	22
14.	«Қизилқум»	19	5	6	8	17-31	21
15.	«Металлург»	19	5	5	9	17-28	20
16.	«Гулистон»	19	5	2	12	25-38	17
17.	«Кимёгар»	19	3	7	9	16-30	16
18.	«Хоразм»	19	3	5	11	14-27	14
19.	«Темирйўлчи»	19	3	4	11	22-42	13
20.	«Турон»	19	2	5	12	16-42	11

Мамлакат чемпиони «Дўстлик» жамоаси чемпионатда қар-вонбошилик қўли билан бирга Ўзбекистон биллур со-ринини ҳам қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида юртбоши-миз Ислам Каримовнинг «Пахтакор» жамоаси шарафини тиклаш борасидаги тақдирлари инобатга олиниб футбол-лимиз мутасаддилари жамоага Виктор Борисовни бош му-раббий этиб тайинладилар. Осиё кубогига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоасига эса Юрий Саркисян бош мураббий қилиб тайинланди. Ҳозирги кун-да терма жамоамиз чет элда ўқув машғулотларини олиб бормоқда.

Тўққизинчи миллий чемпионат ўйинлари иккинчи давра-си 3 августда старт олади. Иккинчи давранинг биринчи тури (йигирманчи тур) 26 июнда мuddатдан илгари ўткази-либ, терма жамоа ўйинчиларига имконият яратиб берилди. Мақоламиз сўнгидеги иккинчи даврада пойтахтимизнинг икки вакилига омад тилаймиз ва улардан қизқарли ҳужумкор ўйин қўтиб қоламиз.

Талъат ЮСУПОВ.

Қатрлар

ТАБИАТ ВА БУЛБУЛ

Гулларнинг қирмизи лаби-даги шудринг томчилари тонг ёғдусида милтиллаб кўринди. Булбул гулдан-гул-га кўниб, шўх сайради.

— Овозинг ёқимли экан.

Дўст бўламиз. Шу ерда қол, — илтимос қилди Наргиза булбулдан.

— Дўст бўламан-у узоқроқ туролмайман.

— Нега? — хайрон бўлди Наргиза.

— Сўзмаяпсанми, ҳавода қўланса қид бор. Бўғилиб кетяпман. Чанқасам нима қиламан! Оқар сувинглар ҳам ифлос экан. Ичолмайман, — жавоб берди булбул, бироз сайрашдан тўхтаб. — Табиат тоза, сўлим бўлганда қайтиб келаман. Хайр. Ҳафа бўлма...

Наргиза булбулнинг шар-тини кўпчилиққа айтди. Бул-булдан-чи, ҳамон дарак йўқ. Айтингчи, нега?

ЁЛҒОН СЎЗ

— Ҳақиқий ўқ бўлсанг ҳам хизматинг меникидан паст, — деди ёмон сўз.

— Нега? — ажабланди ўқ.

— Сен қўпинча рақибинг-нинг гох қўл, гох қулоқ, гох

оёғини жароҳатлабсан. Шик-каста аъзолар дори-дармон,

сабр билан битиб кетавера-ди. Мен қўпинча қўлдангиз

«нишонинг» ўртасига теге-

ман. Ёки рақибимнинг қалб уйига қираману ундан чиймай, аччиқ захримни етмиш икки томирига ёяман. Аъзои бада-ни қақшаб изтироб чекади. Умрини эғовлаб ташлайман. «Қалб жароҳати ёмон» деган гапга асос солган — мен.

— Унда сенга тенг келол-майман, — ёмон сўзга тан берди ўқ.

ҚОВУШМАГАН БАРГЛАР

— Пўстинг кўпу нега қовушмай бир ўзинг қолдинг эгатда, — сўради ўт ўраётган ўроқ қарамдан.

Миробнинг назаридан чет-да қолдим. Сувга зорлигим-дан баргларим бир-бирига қовушишга, ҳосил туғишга эришолмади. Юзта баргим бўлса-ю бирлашишга чоғи келмаса, ахир бўлмаса бекор экан. Мақсадга эришолмай қарган тарқок баргларимга боққан кўзлар: «Эссиз сенга ер, зое кетган меҳнат! — дея ёвқараш, таъна қиладилар. Ундан кўра йигирмата барг билан қовушиб, аҳилликда муштдеккина бўлса ҳам ҳосил туққанам афзал эмасми?!

— На чора?! Энди молга дармон бўлачол, — деди ўроқ ва барглари бир-бирига қовушган қарамни ўт билан қўшиб ўриб олиб кетди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎБОНЛАР

Йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи барча корхоналар ва жисмоний шахслар диққатига!

Тошкент шаҳридаги йўналишларда йўловчиларни та-шишни ташкил этиш бўйича комиссия 2000 йил 22 август-да йўловчилар транспортда хизматлар кўрсатиш учун шар-тнома тузиш ҳуқуқини берувчи тендер таллови ўтказди.

Тендерга маршрутли такси ва автобус маршрутлари-нинг қуйидаги йўналишлари қўйлади:

— 130 — «Қўйиқ — М-2 автостанцияси — Сергели-7 даҳаси»

— 63 — «Бўзбозор» автостанцияси — Қорасув-1 даҳаси автостанцияси

— 76 — «Қорақамиш-2/4» даҳаси автостанцияси — «Аэро-порт» автостанцияси

— 182 — «Тўқимачилик комбинати» — «Тўқимачилик жа-моа ҳўжалиги»

— 124 — «Қўйиқ — М-1» автостанцияси —